

ХИЗМАТЛАР

4 847,5 млрд. сўм



Кўрсатилган
бозор хизматлари
ҳажми

4 904,9 минг. сўм



Аҳоли жон бошига
кўрсатилган бозор
хизматлари ҳажми

111,3 %



Кўрсатилган бозор
хизматлари ҳажмининг
ўсиш суръатлари

164,5 %



Молиявий хизматлар ўсиш
суръати


33,4 %



Xizmatlarning umumiy hajmida
savdo xizmatlarining ulushi

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида 10982 та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

2020 йил 1 январь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши, % да (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва корхоналар умумий сонининг 8867 таси ёки 59,5 фоизи кичик бизнес субъектларини ташкил этади.

2020 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасига жалб қилинган, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, % да



2019 йил январь-декабрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 4847,5 млрд. сўмни ёки 2018 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш 111,3 фоизни ташкил этди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1111,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 22,9 фоизини ташкил қилди.

Навоий вилоятида кўрсатилган хизматлар ҳажми ва ўсиш суъратлари

	Жами хизматлар ҳажми (млрд. сўм)	Ўсиш суръати, % да	Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми (минг сўм)	Ўсиш суръати, % да	шундан		
					Кичик бизнес ҳажми (млрд. сўм)	Ўсиш суръати, % да	Улуши, % да
Жами	4847,5	111,3	4904,9	109,4	2944,4	106,6	60,7
<i>шаҳарлар</i>							
Навоий	2421,9	114,2	16959,8	108,7	765,9	92,6	31,6
Зарафшон	479,4	114,8	5769,0	113,3	368,9	118,0	76,9
<i>туманлар:</i>							
Кармана	611,4	107,5	4927,0	108,8	511,0	126,3	83,6
Конимех	144,7	105,0	4098,8	103,5	143,1	104,8	98,9
Қизилтепа	382,1	110,0	2540,9	108,1	368,4	109,7	96,4
Навбахор	173,3	105,2	1549,8	103,3	169,5	105,4	97,8
Нурога	115,4	105,6	1257,6	103,9	111,2	105,7	96,3
Томди	87,0	106,1	5956,6	104,7	86,3	106,1	99,3
Учкудук	174,7	105,5	4695,1	104,9	172,1	105,8	98,6
Хатирчи	257,6	106,4	1306,3	104,5	248,0	105,1	96,3

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари


	млрд. сўм	2018 йил январь-декабрга нисбатан, % да	яқунга нисбатан, % да
Жами хизматлар	4847,5	111,3	100,0
<i>шу жумладан: хизмат турлари бўйича</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	219,8	109,5	4,5
молиявий хизматлар	930,7	164,5	19,2
транспорт хизмати	896,1	100,7	18,5
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	768,3	108,8	15,8
яшаш ва овқатланиш хизматлари	197,1	105,0	4,1
савдо хизматлари	1621,7	103,1	33,4
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	95,3	100,3	2,0
таълим соҳасидаги хизматлар	164,0	104,5	3,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	54,1	111,1	1,1
ижара ва прокат хизматлари	82,4	105,0	1,7
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	81,7	100,2	1,7
бошқа шахсий хизматлар	123,1	100,3	2,5
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	173,3	104,2	3,6
бошқа турдаги хизматлар	208,2	98,1	4,3

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари
(2018 йил январь-декабрга нисбатан, % да)

Молиявий хизматлар (164,5 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (111,1 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (109,5 фоиз), ижара ва прокат хизматлари (105,0 фоиз) ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари (105,0 фоиз) да ўсиш суръати юқори бўлди.



Хизматлар ишлаб чиқариш таркиби
(2019 йил январь-декабрь ойлари, % да)



Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (33,4 фоиз), молиявий (19,2 фоиз), транспорт (18,5 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (4,5 фоиз) ва бошқа турдаги хизматлари (4,3 фоиз)га тўғри келди.

**Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми
иқтисодий фаолият турлари кесимида**


	<i>минг. сўм</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан, % да</i>
Жами хизматлар	4904,9	109,4
<i>шу жумладан: хизмат турлари бўйича</i>		
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	222,4	107,6
молиявий хизматлар	941,7	161,6
транспорт хизмати	906,7	99,0
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	777,4	106,9
яшаш ва овқатланиш хизматлари	199,4	103,1
савдо хизматлари	1640,9	101,3
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	96,4	98,5
таълим соҳасидаги хизматлар	165,9	102,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	54,7	109,2
ижара ва прокат хизматлари	83,4	103,1
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	82,7	98,5
бошқа шахсий хизматлар	124,6	98,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	175,4	102,4
бошқа турдаги хизматлар	210,7	96,4

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар 2019 йил январь-декабрда 4904,9 минг сўмни ёки 2018 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 109,4 фоизни ташкил этди.




Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмида савдо хизматлари (1640,9 минг сўм), молиявий хизматлар (941,7 минг сўм) ҳамда транспорт хизматлари (906,7 минг сўм) юқори улушни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари, % да




Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмида молиявий хизматлар (161,6 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (109,2 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (107,6 фоиз) ҳамда ижара хизматлари (103,1 фоиз) да ўсиш суръати юқори бўлди.



Ушбу кўрсаткич бўйича Навоий шаҳри етакчи ўринни эгаллади. Бу ерда аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 16 959,8 минг сўмга етди. Нурота (1257,6 минг сўм), Хатирчи (1306,3 минг сўм) ва Навбахор (1549,8 минг сўм) туманларида бошқа ҳудудларга нисбатан аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми кам бўлган.

2019 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ўтган йилга нисбатан 921,9 млрд. сўмга ошди. 2019 йил январь-ноябрь ойларида нисбатан хизматлар ҳажми 447,4 млрд. сўмга кўпайди.

**2019 йил январь-декабрь ойларида умумий хизматлар таркибида
устун бўлган хизмат турлари, млрд.сўм**



Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш омили, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, молиявий хизматлар (389,8 млрд. сўмга), савдо хизматлари (231,8 млрд. сўмга), транспорт хизматлари (94,5 млрд. сўмга), меъморчилик соҳасидаги хизматлар (36,4 млрд. сўмга) ҳамда яшаш ва овқатланиш (34,1 млрд. сўмга) каби хизматлар ҳажмининг ошиши ҳисобланади.

Хизматлар ҳажмида катта улушга эга бўлган соҳалар

Т/р	Иқтисодий фаолият турлари	Ҳажми млрд.сўм	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан улуши, % да
	Жами - хизматлар	4847,5	111,3	100,0
1	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	219,8	109,5	4,5
	шундан:			
	нашриётчилик хизматлари	2,8	124,1	-
	Кино-видеофильмлар ва телевидение дастурлари ишлаб чиқариш бўйича хизматлар, овоз ёзиш ва мусиқа асарларини	0,1	127,0	-

Т/р	Иқтисодий фаолият турлари	Ҳажми млрд.сўм	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан улуши, % да
	нашр қилиш бўйича хизматлар			
	Дастурлар тузиш ва телерадиоэшиттиришлар бўйича хизматлар	0,2	125,0	-
	Телекоммуникация хизматлари	211,9	109,1	-
	Компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматлари ва бошқа ёрдамчи хизматлар	2,6	113,3	-
	Ахборот соҳасидаги хизматлар	2,2	123,0	-
2	Молиявий хизматлар	930,7	164,5	19,2
	шундан:			
	Суғурталаш ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар	841,6	168,1	-
	Суғурталаш, қайта суғурталаш ва нафақа таъминоти бўйича хизматлар, мажбурий ижтимоий суғурталаш бўйича хизматлардан ташқари	63,7	123,0	-
	Молиявий ва суғурталаш хизматларига нисбатан ёрдамчи хизматлар	25,4	190	-
3	Транспорт хизматлари	896,1	100,7	18,5
	шундан:			
	Қурукликдаги транспорт хизматлари ва қувурлар орқали етказиб бериш бўйича хизматлар	775,7	108,7	-
	Омборга жойлаштириш хизматлар ва ёрдамчи транспорт хизматлари	115,7	68,9	-
	Почта ва курьерлик хизматлари	4,7	87,5	-
4	Савдо хизматлари	1621,7	103,1	33,4
	шундан:			
	шу жумладан:автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар; автомобиллар ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматлар	112,8	108,9	-
	Улгуржи савдо бўйича хизматлар (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари)	228,4	109,3	-
	Автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар	1280,5	101,5	-
5	Бошқалар	1179,2	108,9	24,4


2019 йил январь-декабрь ойларида молиявий хизматлар ҳажми 930,7 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати эса 164,5 фоизни ташкил этди.

2019 йил январь-декабрь ойларида молиявий хизматлар таркиби, % да



Худди шундай, савдо хизматларинг ҳажми 1621,7 млрд. сўмга етиб, кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 33,4 % ни ташкил этди.

Чакана савдо хизматлари умумий савдо хизматлари ҳажмининг 79,0 % ни, улгуржи савдо хизматлари эса 14,1 % ни, автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар, жумладан уларни таъмирлаш хизматлари билан бирга 6,9 % ни ташкил этди.



2019 йил январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг таркиби, % да

